Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 109 (21. 208) 1992 йил 3 июнь, чоршанба ● БАҲОСИ 2 СЎМ.

• ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ •

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ УЗИЛМАЙДИ

Ўтган шанба куни Кремлда Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Ўзбекистон давлат делегацияси таркибида «Правда»нинг махсус мухбири, республика халқ депутати Вилор Ниёзматов бор эди. Шартнома имзоланиши биланоқ унинг илтимосига биноан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Правда» рўзномасининг саволларига жавоб қайтарди.

— Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон учун бу шартноманинг аҳамияти қандай?

— Аввало шуни айтмоқчиманки, мазкур шартнома Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш демакдир. Кўп йиллик тарихга эга бўлган бу дўстлик ва ҳамкорлик халқларимизнинг туб манфаатларига мос келади ва тинчлик ҳамда хавфсизлик ишига хизмат қилажагига шубҳа йўқ. Биз ҳозиргина имзолаган тарихий аҳамиятга молик ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги сифат жиҳатидан янги тенг ўзаро манфаатли, ҳар тарафлама ва теран муносабатларнинг илк нуқтаси бўлишига ишонгим келади. Собиқ СССР республикалари эндиликда суверен ва мустақил давлатлар бўлиб қолган ҳозирги вақтда улардан ҳар бирининг жаҳон ҳамжамиятига, жаҳон иқтисодиётига кириши кўпгина мураккаб муаммоларни вужудга келтираётгани эътиборга олинса, бу воқеанинг аҳамияти беиҳоядир. Собиқ умумий хонадонимиздаги миллатлараро, элатлараро ихтилофлар биз, раҳбарлар зиммасига иқтисодий, молиявий, банк ва кредит тизимларига ягона ёндашувни белгилаб олиш мажбуриятини юклайди. Бошқача қилиб айтганда, биз шартномани имзолаш асосида иккала давлат орасидаги янги муносабатларнинг халқаро-ҳуқуқий негизини яратдик. Зеро, ҳозирги кунда кўп соҳалардаги муносабатларимиз эски ёндашувларга асосланган ва жуда оқсаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лоақал корхоналаримиз, айрим минтақалар ўртасида издан чиққан иқтисодий алоқаларни олиб кўринг.

— Шу муносабат билан, Ислом Абдуғаниевич, Россиянинг тўқимачилар ўлкаси Ивановодаги аҳволга эътиборингизни қаратсам. Бу ерда пахта хом ашёси йўқлиги сабабли нохуш вазият вужудга келгани маълум. Ушбу шартнома тузилиши биланоқ ивановолик тўқимачиларнинг истиқболи қандай бўларкин? Бу шартнома уларга тезроқ наф келтирармикан?

— Агар ифодали қилиб айтадиган бўлсак, шартнома остига қўйилган имзоларимизнинг сиёҳи қуримай туриб, у ивановолик тўқимачиларга наф бера бошлади. Ўзбекистон шу бугунданоқ Россияга бу қимматли хом ашёни белгиланган миқдорда юборишга киришди. Бугина эмас, Борис Николаевич билан мен шу хом ашёни юборишнинг қатъий жадвалини тузишни топширдик, унинг бажарилишини иккаламиз қатъий назорат қилиб турамиз. Шартноманинг ана шундай хайрли одим билан бошланиши иккала мамлакатимиз халқларига кўнгилдаги натижаларни беришига ишонгим келади.

— Шартноманинг МДҲга ва ҳамдўстлик теварагида вужудга келган вазиятга нисбатан аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Жуда ижобий баҳолайман. Ўн йил муддатга тузилган икки томонлама шартнома МДҲни мустаҳкамлашнинг ҳақиқий йўналишларидан биридир, чунки бундай битим ҳамдўстликнинг ҳаёт-мамотига ҳалақит бермайди ва тўсқинлик қилмайди, балки, аксинча, уни мустаҳкамлаш учун ҳақиқий замин яратади. Баъзи давлатларнинг раҳбарлари МДҲнинг мавжудлигини сароб деб атаб, унинг инқирозини каромат қилишларига қарамай, мен унинг келажагига ишонаман, Ҳолбуки, шундай каромат қилаётган раҳбарлар МДҲни тузишга ўзлари бош қўшган эдилар. Ҳа, ҳозир ҳамдўстлик ривожланиш ва юксалиш учун зўр-базўр ҳаракат қилмоқда. Ўтмиш сарқитлари ҳаддан ташқари кўп. Очиғини айтсак: ҳозирги ячалик расо бўлмаган қарорларимиз ва тадбирларимиз ҳам ишга фойда бермаяпти. Шунга қарамай мен ҳамдўстлик жуда оддий сабабга кўра, келажакка эга эканига ишончим комил: у ҳар биримизга зарур. Ҳатто уни ғаройибона бир енгилтаклик билан дафн этишга тайёр бўлганларга ҳам зарур. Мушкул аҳволдан ва тангликдан қутулиш учун ҳамдўстлик ҳаммамизга зарур. Чунки, буйруқбозлик тили эмас, балки хайриҳоҳлик, тенг ҳуқуқлилик ва тотувлик тилигина собиқ СССР фуқароларига эртанги кунга умид ва ишонч билан қараш ва ўз юртларида маърифатли ҳуқуқий жамият барпо этиш имконини беради.

Ҳозир ҳам ўзаро баҳрамандлик бўлишимиз ва кўп томонлама мулоқотимиз соҳасида кун сайин биргаликда орттирилаётган тажриба ақл-идрокимизни ҳар қачонгидан ҳам пешламоқда, бир-биримизни яхшироқ билиб олишимизга ёрдам бермоқда. Халқларимизнинг азалий донолиги охир-оқибатда умумий хонадонимиздан мустаҳкам ўрин олишига ва мамлакатларимиз фуқароларининг тинч, муносиб турмуш ҳақидаги умидлари, ниҳоят рўёбга чиқарилишига ишонаман.

— Россия ва Ўзбекистон ўз қуролли кучларини вужудга келтиришини расмий равишда эълон қилди. Шартномада ҳарбий соҳадаги ўзаро муносабат ифодалаб берилганми?

— Биз давлатларимизнинг пишиқ-пухта мудофаасини таъминлашда фаол ҳамкорлик қилишга, МДҲнинг Стратегик Қуролли Кучларини Бирлашган қўмондонлик ихтиёрида сақлаб қолишга, чегараларимизни муҳофаза қилишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишга қарор бердик. Россия ва Ўзбекистон ҳудудлари яхлит ҳарбий-стратегик маконга киради, Барқарор хавфсизликни таъминлаш, халқарс тинчликни сақлаб туриш мақсадида иккала томон зарур ҳолатларда ўзаро аҳдлашув асосида ўз ҳудудидаги ҳарбий иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан алоҳида битим тузилади.

— Ўзбекистонда уч миллиондан кўпроқ русийзабон аҳоли яшаб тургани маълум. Ушбу шартнома уларнинг тақдирига қай тарзда таъсир қилади, у тарихий Ватанидан олисда яшаётган шу аҳолининг осойишталиги. га кафолат бера оладими?

— Шартномага биноан иккала давлат ўз ҳудудида яшаб турган кишиларнинг миллати, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа маслакларидан қатъи назар уларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий маданий ҳуқуқларини ҳамда эркинлигини халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган нормаларига мувофиқ кафолатлайди. Шу мақсадда Ўзбекистон ва Россия ўз ҳудудида фуқароларнинг бирон бир тарзда камситилишига йўл қўймаслиги учун қонуний — маъмурий ва бошқа зарур чораларни кўради. Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар соҳасида ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақида алоҳида битимлар, шунингдек бошқа томон ҳудудида яшаб турган ўз фуқароларининг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган консуллик битими ва бошқа ҳужжатлар тузилади.

— Яқин вақтгача Россия халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари бўйинча мутахассислар, илмий кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос маскани бўлиб келган эди, деса бўлади. Россиянинг кўпгина олий ўқув юртларида Ўзбекистоннинг минглаб фуқаролари таълим олишди, ҳозир ҳам ўқишмоқда. Бу тажриба келгусида ҳам давом этадими ва шартномада бу нарса ифодалаб берилдими?

— Ҳа, Ўзбекистон бундан буён ҳам таълим, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантираверади. Иккала мамлакат ўқув юртлари, илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари ўртасидаги бевосита алоқалар устувор йўналишлар бўлиб қолади. Хуллас, кадрлар тайёрлаш, бир-биримизга олимлар, мутахассислар, аспирантлар ва талабалар юбориш учун қулай шароит яратилади. Шундай бир беиҳоя муҳим жиҳатга эътиборни қаратмоқчиман: таълим ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ва даражалар баббаравар тан олинаверади.

— Аҳдлашувчи томонларнинг чегаралари «тиниқ» бўладими?

— Биз бундан буён ҳам чегараларимизнинг очиқлигига амал қилмоқчимиз, фуқароларнинг иккала мамлакат ҳудудига кириш-чиқиши ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юборишини таъминлаш учун зарур чораларни кўрмоқчимиз.

— Сизнинг фикрингизча, шартномамизни амалда рўёбга чиқаришда ва МДҲни мустаҳкамлашда матбуотнинг, оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти қандай бўлади?

— Аввало матбуотга шахсий муносабатим ҳақида гапирай. Унга умуман ижобий қарайман. Журналистнинг меҳнатини ҳурмат қиламан ва муносиб баҳолайман. Бу меҳнат бунёдкорликка қаратилган бўлишини назарда тутаяпман, албатта. Амалий танқидга хайриҳоҳлик билан қарайман. Мен бу гапни бировга ёқиш учун айтаётганим йўқ. Кейинги вақтларда айрим рўзномалар, телекўрсатувлар бамисоли келишиб олгандек, Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, кўзбўямачилик қилишга уринмоқдалар, бошқа давлатларнинг жамоатчилигини чалғитиб, турли-туман бўлмағур ўйдирмаларни айтмоқдалар. Ижобий жиҳатни кўришни асло истамайдилар. Ўзбекистон фуқаролари ҳозирги оғир вақтда нисбатан осойишта яшаётганликларини ва худога шукурки, кўчаларимизда ўқ отилмаётгани ва қон тўкилмаётганини кўролмаяптилар.

Адолат юзасидан «Правда» рўзномасининг холислигига ва, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонга нисбатан инсоф билан ёндашаётганига тан бермоқ керак. Шартномамизнинг амалда рўёбга чиқиши иккала мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситаларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқлигига аминман. Агар улар бу шартноманинг тарафдорлари бўлсалар, иккала давлатнинг раҳбариятига уни амалга оширишдаги танг жойларни «фаҳмлашда» ёрдам берсалар, олга боришимизга халақит берадиганларни нишонга олиб танқид қилсалар, мамлакатларимиз халқларининг ташаккур сўзлари бундай журналистларга мукофот бўлади.

— Бу даъват журналистларни лоқайд қолдирмайди, деб, ўйлайман. Шартноманинг бажарилиши иккала мамлакатнинг ҳукуматлари томонидан қандай назорат қилинади? Чунки шартнома қабул қилингани билан уни ижро этиш ўртасида катта масофа бор, деса бўлади.

— Шартномамизнинг ижросини назорат қиладиган икки томонлама аралаш комиссия тузиш ҳақида Борис Николаевич билан келишиб олдик. Тегишли адлия ва маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган бу комиссия доимий ишлайди. Хуллас, дастлабки пайтданоқ шартноманинг амал қилиш омили белгилаб қўйилди, деса бўлади.

— Ислом Абдуғаниевич, «Правда» орқали Россияга, унинг халқига қандай тилаклар айтмоқчисиз?

— Авваламбор Россия диёрида тинчлик ва иноқлик бўлсин. Шу қийин кунларда россияликларга сабр-тоқат ва мардлик тилайман. Ўзбекистонни Россия ишончли ҳамкор ва дўст деб биларсин. Фуқароларимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон ўз келажагини, ўз истиқболини Россия билан дўстликсиз тасаввур этмайди. Биз учун Россия минтақамиздаги барқарорлик ва тинчликнинг, чегараларимиз дахлсизлигининг кафилидир.

Россия Президентининг шартномамиз имзоланган кунни тақвимга йирик ҳарфлар билан дадил ёзиб қўяверса бўлади, деган сўзларига тўла-тўкис қўшиламан.

— Суҳбат учун раҳмат, Ислом Абдуғаниевич. Борис Николаевич билан Сиз имзолаган шартнома икки янги мустақил давлатнинг янги ва тенг ҳуқуқли муносабатларида биринчи қалдирғоч бўлсин!

Вилор НИЁЗМАТОВ.

(«Правда» рўзномасининг 2 июнь сонидан).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом КАРИМОВ жаноб олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,.

Ўзбекистон Европа банки бошқарувчилари кенгашининг 21-рақамли қарорига мувофиқ аъзоликнинг барча шартларини бажаргани муносабати билан уни Европа банкининг аъзоси бўлгани билан ғоят қувониб табриклайман. Мен Европа банкининг Ўзбекистон тарафидан бошқарувчиси бўлмиш Азимов жанобларига Бош котиб томонидан берилган гувоҳномани юбордим, унда 1992 йил 30 апрелдан эътиборан Ўзбекистон банкнинг аъзоси бўлгани тасдиқланади. Маълумотингиз учун гувоҳноманинг нусхасини илова қиляпман.

Банк ходимлари банкнинг Ўзбекистонга нисбатан стратегиясини тайёрлаш, хусусан, нефть, газ, олтин, пахта, сайёҳлик ва банк тизимига оид тижорий жиҳатдан яшовчан лойиҳаларни муҳокама қилиш учун, шунингдек, банк мандатининг сиёсий жиҳатларига мувофиқ равишда, мамлакатингизда демократия тараққиётини баҳолаш учун 31 майдан 4 июнгача Ўзбекистонда бўлишни режалаштирганларидан Сизни мамнуният билан хабардор қиламан Юқорида зикр этилган банк ходимларининг рўйхатини, шунингдек уларнинг ҳар бири шуғулланадиган лойиҳаларнинг қисқа тавсифини ва назарда тутилган маршрутни ушбу мактубга илова қилдим.

Камоли эҳтиром билан
Жак АТТАЛИ,
Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг президенти
1992 йил 27 май

* * *

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИГА АЪЗОЛИГИ

БАНК БОШ КОТИБИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН

ГУВОҲНОМА

Банк бошқарувчилари кенгаши 21-рақамли қарорининг 10-бандида олдиндан келишиб қўйилган шартларни Ўзбекистон муносиб тарзда бажаргани туфайли,

қарорнинг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон банкнинг аъзоси эканини ушбу билан тасдиқлайман.

Барт Ле БЛАНК,
бош котиб.
1992 йил 30 апрель.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ЧИҚАРИЛАДИМИ?

Ҳар бир давлат бозор муносабатларига ўз йўли билан боради. Мустақил давлат раҳбарияти ўтказаётган иқтисодий сиёсат қанчалик пухта бўлса, кўраётган чоралари қанчалик самарали бўлса ҳозирги жуда кўп муаммолар шу қадар тез ҳал этилади. Очиғини айтайлик: ҳозир аҳволнинг қийинлигини ҳар бир киши сезиб турибди. Маош бериладиган куни орзиқиб кутсанг-у, маош ололмасанг, собиқ Иттифоқдаги кишиларга хос бўлган келажакка ишонч билан қараш туйғуси ҳам сўна бошлайди.

Нақд пулнинг йўқлиги Ўзбекистондаги юз минглаб кишиларни оғир аҳволга солиб қўйди. Нима учун шундай ҳол юз бермоқда? Бу вазиятдан чиқадиган йўл борми, аҳволни изга солиш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири худди шу ҳақда республика давлат банки бошқарувининг ранси Ф. МУЛЛАЖОНОВ билан суҳбатлашди.

— Файзулла Мақсуджонович, Украина, Беларусь, Болтиқбўйи мамлакатлари тез орада ўз миллий валютасига ўтиши тўғрисидаги хабар ҳеч кимни ажаблантирмади. Бироқ, МДҲ давлат бошлиқлари Тошкент учрашувида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳозирча сўм муомала қилиниб, доирада қолади. Афсуски, сўм ҳам тобора камайиб кетяпти...

— Сиз мутлақо ҳақсиз. Ҳозир моллар билан таъминланмаган қоғоз пул миқдори жуда кўпайиб кетди. Ишлаб чиқаришнинг таназзули эса аҳоли умумий даромадларининг сезиларли даражада камайишига олиб келди. Аммо айрим табақаларнинг даромадлари мислсиз даражада ошди. Бир мисол келтираман. «Запорожсталь» да домна печи мастерининг иш ҳақи ҳозир ойига 70 минг сўмни ташкил этади. Россияда шахтёрлар бундан сал камроқ иш ҳақи олишади. Митинглар ўтказиб иш ташлаб, иш ҳақини оширишни талаб қилиш сўмнинг харид қувватини фалокатли даражада тушириб юбормоқда. Ўтган апрель ойида истеъмол нархлар индекси 1991 йил декабрига нисбатан 740 фоизни ташкил этди. Агар индекслашнинг ўсишини кузатадиган бўлсак, сўнгги ойларда олдингги ойларга нисбатан қўйидагиларни кўриш мумкин: январда — 345 фоиз, февралда — 135 фоиз, мартда — 130 фоиз. Мустақил экспертларнинг фикрича пулнинг чинакам қадрсизланиш даражаси эса бундан бир ярим—икки баравар ортиқ...

Нақд пулнинг тақчиллиги эса муттасил кучайиб бормоқда, Муомилага 200, 500 ва 1000 сўмлик пуллар чиқарилган шароитда шундай бўлмоқда, 5000 сўмлик пул босиб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди. Пул соҳасида бундай сиёсатнинг оқибатида иқтисодиёт барбод бўлади, эндигина вужудга келаётган бозор муносабатларига жиддий зарба етади.

Шундай шароитда ҳар бир мустақил республика ўзини иқтисодий ларзалардан асраши лозимлиги тушунарлидир. Пул босиб чиқарадиган дастгоҳ Россия ҳудудида бўлса, Ўзбекистон эса бу пулларни Россиядан «келтиришга» мажбур бўлса, иқтисодий ларзалардан қандай сақланиш мумкин? Сиз нақд пул нима учун етишмаяпти деб сўраяпсиз.

Долзарб мавзуда суҳбат

Бунинг жавоби осон: Ўзбекистоннинг нақд пул ажратиш тўғрисидаги буюртмалари муттасил бажарилмай қолмоқда. Шу йилнинг ўзидагина муомилага салкам 11 миллиард сўм пул чиқарилди, бу эса сўнгги ўттиз йил ичида чиқарилган қоғоз пулнинг 50 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Республика хўжаликларига берилаётган нақд пулнинг тўртдан бир қисми ана шу ҳисобдан бўляпти. Қорақалпоғистонда, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида жуда жиддий аҳвол вужудга келди.

— Ҳақиқатан ҳам вазият мураккаб. Бу вазиятдан қандай чиқиш мумкин?

— Собиқ Иттифоқ республикалари—Эстония, Латвия, Литва, Украина, Беларусь, бошқалар ўз валютасини тайёрлаш ва жорий этиш юзасидан фаол иш олиб бормоқда. Россия ҳам бундан мустасно эмас. Бу эса Ўзбекистонни сўм босиб кетиши ва истеъмол бозори бутунлай барбод бўлиши хавфини кескин равишда оширади. Бу аҳвол бизнинг республикамизни ҳам ўз валютасини жорий этишга доир ишларни олиб боришга мажбур қилади. Бунинг учун иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд. Бу жараённинг жуда мураккаблиги равшан. Аммо биз бунга тайёрмиз.

Ўз ишлаб чиқариш имкониятларимизни кўпайтириш юзасидан жиддий иш олиб боришимизга тўғри келади. Миллий валютани жорий этиш асосий мақсад эмас. Айни бир вақтда жуда кўп иқтисодий муаммолар ҳал этилиши керак. Ички бозорни моллар билан тўлдириш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва таъмирлаш, халқ хўжалигни мажмуининг барча тармоқларини ривожлантириш ана шундай иқтисодий муаммолардандир. Ҳозирча эса шу йилнинг тўрт ойида таҳминий ҳисоб-китобларга нисбатан 7,5 миллиард сўм, савдодан эса 10 миллиард сўм кам пул тушди.

— Бунинг сабаби магазинлар пештахталарининг бўшлигидир...

— Унчалик эмас. Моллар бор, бинобарин уларни харид қилиш керак. Республика раҳбарияти истеъмол бозорини муҳофаза қилиш юзасидан кўраётган чоралар натижа бера бошлади. Шунга қарамай бошқа республикалардан қоғоз пулларнинг оқиб келиши мумкин. Бизнинг маълумотларимизга қараганда ҳозир Ўзбекистонликлар қўлида 18 миллиард сўмдан кўпроқ пул бор. Бу жуда катта пул! Қонуний бир савол туғилади: республика аҳолисига бу пул нима учун зарур, 50 сўмлик ва 100 сўмлик пулларни алмаштириш наҳотин уларга ҳеч нарсани ўргатмаган бўлса. Улар пулларини жамғарма банкларида сақлаганида эди 40 фоиз қўшимча ҳақ олган бўлар эдилар. Қўлларида сақлаганликлари учун тахминан 4,5 миллиард сўмдан маҳрум бўлишди. Ҳозир ғализ туюлса ҳам пулни жамғарма банкларида сақлашга даъват этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ дир, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси жамғарма банкига қўйилган омонат учун тўланадиган фойдани 15 фоизгача оширди. Бу ҳам чегара эмас. Хуллас пул жамғарма банкларида сақланса давлат ўз фуқаролари жамғармалари асралишининг ишончли кафолати бўлади.

Меъёрий иқтисодий муносабатларда пул ортиқча юк бўлиб ётмаслиги, балки ишга солиниши керак.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ТАРАДДУДИ

2 июнь куни Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро Тошкент кинофестивалини ўтказиш ташкилий комитетининг дастлабки мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров бошқарди.

XI халқаро кинофестивалга ер юзининг беш қитъасидаги 60 га яқин мамлакатдан қарийб 500 нафар кино арбоблари келиши кутилмоқда. Кинофестиваль шу йилнинг 8-15 октябрь кунлари ўтказилади.

Мажлисда ташкилий комитет, вазирликлар ва идораларнинг анжуманни ўтказиш борасидаги вазифалари белгилаб олинди.

(ЎзА).

АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ЭЛЧИЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

ВАШИНГТОН, 30 май. (РАТА—ТАСС мухбири **Владимир Матяш**). Президент Жорж Буш АҚШнинг Ўзбекистон ва Қирғизистондаги биринчи элчилари тайинланганини эълон қилди. АҚШ ахборот агентлиги (ЮСИА) ахборот бюллетенининг хабар қилишича, дипломат Генри Кларк Америкaнинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси бўлади. Сўнгги вақтгача у АҚШнинг Исроилдаги элчихонаси иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозимида ишлаган эди, бундан аввал Бухарестдаги Америка дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг ўринбосари эди, Қўшма Штатларнинг Москвадаги элчихонасида ҳам хизмат қилган.

Узоқ вақтдан бери дипломатия хизматида бўлиб келган Эдвард Гурвиц АҚШнинг Қирғизистондаги биринчи элчиси қилиб юборилади. Аввал у Американинг Қобулдаги элчихонасида ва АҚШнинг Санкт-Петербургдаги консулхонасида хизмат қилган эди.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Фарғона вилояти ҳокими Ғ. Ф. Фозилов ҳокимликнинг тузилиши, таркиби ва иш юритиш мақоми ҳақида депутатларга ахборот берди. Унинг таклифига кўра вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари тайинланди. Сессия иштирокчилари вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш хусусида таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади, республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов иштирок этди.

(ЎзА).

ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

● Тўғриликни ёқлаш, тўғриликни деб собит туриш фарз

● Район партия кенгаши ёрдам фондига пул ўтказди

● Йиғилишда шу куннинг долзарб масалалари

● Шерободга қилган бир галги сафаримда Абдихолиқ Ортиқов деган одам билан танишиб қолдим. Ўрта одам: ўрта ёшли, ўрта бўйли, ўртача кийинган. Тез одам: гапириши ҳам, хатти-ҳаракати ҳам, юриш-туриши ҳам, фикр билдирчши ҳам тез. Суҳбатдошининг юзига тик боқиб мулоҳаза юритади.

Шерободлик Рўзибой деган ҳамкасбим (ҳозир у ХДП Шеробод район кенгашида ходим): Ортиқов партиямизнинг аъзоси, шу киши ҳақида ёзса бўлади, деб қолди.

Шунда бундан тўрт-беш йил олдин ҳам биздаги барча матбуот нашрларининг энг нуфузли рукни — «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар» деган гапни эсладим. Дарвоқе, вақтида Ортиқов ҳақида ҳам шу рукнни қўллаб ёзса бўларди. Чунки у коммунист эди. Чарх кажрафторнинг мевасини кўрингки, бугун «коммунист» йўқ. Лекин Ортиқов, Ортиқовлар бор. У коммунист бўлди—Ортиқовлигини йўқотмади. Бугун янги партияга ўтди — Ортиқовлигини йўқотмади. Йўқотмайди ҳам.

Ўзини йўқотмайдиганларни ёзиш — савоб иш. Шу гап далда бўлибми, Ортиқов билан бўлган суҳбатнинг хотирада қолган ўринларини қоғозга туширай, дедим.

● — Мен икки марта директорлик курсисига ўтирдим. Иккаласига ҳам сиғмадим. Ҳайдалдим, — деди кулиб Абдихолиқ ака.

— Нима учун ҳайдашди? — деб сўрайман унинг гапларини жиддий тушуниб.

— Ҳар кимга — меҳнатига яраша, — деди у яна кулиб. — Йў-ўқ, мени «лавозимидан ҳайдалган экан» деб ёзманг тағин. Бизда ҳеч кимни лавозимидан ҳайдашмайди. Уч-тўрт кун кўнглингизга қараб, сўнг мулойим-меҳрибон оҳанг билан, аризангизни ёзсангиз дейишади. Ҳатто нима деб ёзишингиз мумкинлигини айтиб ҳам қўйишади. Масалан, бошқа ишга ўтаётганим муносабати билан мени фалон кундан ишдан бўшатиб қўйишингизни сўрайман, деб ёзинг дейишади. Билдингиз?

— Шундай деб ёз, деса, ёзавердингизми?

— Ўзимга қолса-ку, ёзмасдим-а, — дейди Ортиқов яна кулиб. — Авлиё эмасману, аммо мансабу мартабасини бу дунёда камдан-кам одам бировга қўш қўллаб узатиши мумкинлигини яхши биламан.

— Демак, ўзингиздан ўтган...

— Ўзимдан ўтгани рост, — дейди Ортиқов менинг соддалигимдан ажаблангандай бўлиб. — Ўзимдан ўтгани шундай: Хўжаикон туз конининг биринчи директорлиги бизга насиб қилди денг. Чодир тикиб яшаганмиз, ишлаганмиз. Конга темир йўл тортдик. Иморат қурдик, ОРС очдик. Минг квадрат метрли иссиқхона қурдик. Лимонзор қилдик. Минг туп анор ўстирдик. Ўттиз гектарга сабзавот экдик. Ў-ҳу, бир обод жой бўлиб қолди, денг.

Бир куни юқоридан одам келди. Мен сенларга уполномочинман, деди.. «Практически помошь» қиламиз, деди. Кабинетимга кириб олади-да, қани, шеф, оператив сводкани чўзинг дейди. Бугун— кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш — шиоримиз. Сиз шу шиорга амал қилмаяпсиз. Сводкага қаранг, темпа кунданкунга тушаяпти, дейди. Бориб сабабларини ўрганайин десам, соатига қарайди (нонушта пайтида ёлғиз қолмаслиги керак-да).

Э, бир куни «ёрилдим». Мени идорада қўл-оёғимдан боғлаб қўйдингиз, дедим. Сизнинг юзингизга қараб иш жойига — объектларга чиқолмай қолдим. Биласизми, шулар яхши ишласин десангиз, ишлашимизга халақит қилманг, ёрдамингиз шу бўлади, дедим. Ё чин ҳафсала қилсангиз, Термиздан туриб бизга вагонларни вақтида жўнатиб турингки, мен кунига икки марта вагоннинг изидан ўша узоқ шаҳарга бориб сарсон бўлмайин, дедим.

Бошимга бало бўлди-я ёздим, ғайрат қил, деди. Лекин ўша мукофотининг гаштини суриб улгурмасимдан вазир яна чақирди. Аризангни ёз, биз сени ишдан оламиз, деди. Фақат тўғри тушун, мендан ўпкаламагин, ўзинг биласан-ку, деди. Э, Ғофур ака, дунё дегани шундай англаб бўлмас сир эканлигини ёш бола бўлсамки, тушунмасам, дедим. Ёздим. Бошқа ишга ўтказишларингизни сўрайман, деб ёздим. Вазир елкамга қоқди. Мард эксан, деди. Сени қўлдан қўймайман, ўзимиз билан бирга ишлайсан. Хизматингга янги «Москвич» (хизмат машинаси) бераман. Ғайрат қил, деди. Ишлайвердим. Шу тўғри сўз танти вазирнинг ҳурматига. Ҳеч нарса кўрмагандай.

* * *

● — Ай, Абдихолиқ ака, бадиий кулолчилик заводидаги директорлигингиздан гапиринг, — деди Рўзибой шу гапим. Бошлиққа, вазир муовинига ва ҳатто вазирга арз қилишипти.

Вазир айтди, ай, балам, ўзингку зўр йигитсан-у, бетга чопарлигинг бор-да, деди. Бироқ тўғри қипсан, болам, деди. Сенга мукофот Ортиқовнинг прокурорга қолганда хасислиги тутди. Биз томонларда совғани пулга сотишади, деди Прокурор сипо кўрингани билан, аломат экан. Директорнинг бу гапидан қаҳ-қаҳ отиб кулди. Орага тушган ҳижолат шу кулги билан кўтарилгандай бўлди.

Кўп ўтмай денг Ортиқовнинг иши прокуратурага тушиб қолди. Бир киши «директор мени ишдан ноҳақ бўшатди» деб етмиш икки идорага ёзди. Шу идоралардан етмиштаси аризачининг тарафини олди. Ортиқов ўша ҳассислигим энди бошимга етади, прокуратура энди теримни шилиб олса керак, деб ўйлади. Йўқ, айнан прокуратура Ортиқовни ёқлаб чиқди.

Лекин қани энди ҳамма раҳбарлар ўша прокурордай танти бўлса. Ортиқовнинг «хасис»лиги кимларгадир ёқмади. Яхши кунларнинг бирида унга аризангизни ёзиб берсангиз, деб қолишди.

Завод қаддини тиклай бошлаганди. Заводда чинни буюмларни ишлаб чиқаришни ният қилиб турган эдилар. Лекин ишдан бўшатишларини «илтимос» қилиб ёзилган аризага бу ниятларни илова қилиб бўлмасди.

* * *

● — Мени ишдан ҳайдашди, деб кимлардандир ўпкалангандай бўлиб гапирганим билан, яна шуни айтаман: мени ҳозирги ишимга ўтказишиб раҳбарлар тўппа-тўғри иш қилишди, — деб қолди Абдихолиқ ака.

— Нега энди?..

— Негалиги шундай: ҳозир тайёр заводни ишлатиб тургандан кўра янги-янги заводларни қурмоқ зарур. Қуриш—қийин иш. Қийин ишга бизга ўхшаган тиш қоққанроқ одамлар керак.

— Абдихолиқ ака уч кунда Владивосток шаҳрига бориб, ишни битказиб қайтди, — дейди Рўзибой.

— Мен, тўғриси шу замонда уч кун ичида Тошкентга бориб келолмасман.

— Ҳозир районда сутни қайта ишлаш заводини, консерва заводини қуряпмиз, — дейди Ортиқов Рўзибойнинг мақтовига эътибор қилмай. — Сут заводига дошқозон керак, трансформатор, айрим ускуналар керак. Қурилиш ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилмоқ керак. Бунинг учун эса икки миллиондан кўпроқ пул керак. Уюшмамиз шу пулни топишга қолганда ерга қараб ўтирипти. Ҳозир бир кун илгари қурган юз йил илгарилаб кетади. Юз йил-а! Пулни топиб бермаганига қўярмидик...

* * *

● Кеча Ортиқов Гулбулоқ (олдинги Киров) қишлоқ Кенгашининг сессиясида гапирипти. Совхоз директорининг кўнглига теккандай бўлипти. Совхоз ишчиларига ўз заводида ишлаб чиқарилган пиширилмаган ғиштнинг мингтасини уч юз сўмдан сотяпти. Бу — қиммат. Совхоз ўзининг ишчиларига арзон сотса, куймайди, депти.

Яна ўзлари яшаётган Чўянчи қишлоғининг кўчаларига «Глазная», «Зерновая» деган номлар қаердан келиб қолганини танқид қилипти. Савдода адолат бўлсин, депти.

— Биласизми, шоир, — деди у Рўзибойга қараб.— Бир ҳамкасбингиз, яъники, бир шоир «яшаш шарт ҳаётда ҳайиқмай, қўрқмай» депти. Яхши гап. Тўғрими? Одамзот ҳар куни ҳеч бўлмаганда битта тўғри гапни айтиши фарз. Тўғриликни ёқлаш, тўғриликни деб собит туриш фарз. Шоирнинг гапидан мен шу мазмунни чақдим. Билдингиз?

● Халқимизда, бир кўрган билиш, икки кўрган таниш, деган гап бор. Тўғрику-я, лекин айримларни юз марта кўрсанг ҳам билолмайсан, таниб қололмайсан. Мен адашмаяпман деб айта олмайман, лекин, айтаманки, Ортиқов бир кўришда билса, ҳатто таниб қолса бўладиган одам экан. Шундай бўлса-да, шубҳаланишни фазилат билиб, районда раҳбар лавозимларда ишлаб келаётган танишим Алишер Шоймановга маврид топиб Ортиқовнинг устидан гап «қўзғадим». Шойманов мен юқорида баён қилган тафсилотларни бирма-бир гапириб берди ва «шундай одамлар кўпроқ бўлсайди, а!!» деган тўхтамга келди.

Шу хулоса менга ҳам маъқул тушди...

Олимжон УСАНОВ.
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

БИР КЎРГАН БИЛИШ...

ОЛДИНГИ САФДА

Асака районидаги Навоий номли боғдорчилик-узумчилик давлат хўжалигининг марказий посёлкасини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Аҳоли хонадонлари газлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган. Автобус қатнови йўлга қўйилган. Ижарачи ишчиларнинг саъйи-ҳаракатлари билан янгидан 7 гектар ерда боғ, 11 гектар майдонда токзор барпо этилди. Бу ишларда М. Усмонов котиблик қилаётган бошланғич партия ташкилотининг ҳам ҳиссаси бор.

Бошланғич партия ташкилоти ўз ишларини қатъий режа бўйича олиб боряпти. Яқинда йиғилишда хўжалик аҳоли пунктини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишда қишлоқда шифохона очиш, болалар боғчасини кенгайтириш, атлас тўқиш, ток устунлари ва яшчик тайёрлаш цехлари барпо этилиши тўғрисида ҳам гаплашиб олинди. Ҳозир партия аъзолари шу ҳақда қабул қилинган қарорни рўёбга чиқариш борасида иш олиб бормоқдалар.

Умуман Асака районидаги қирқдан ортиқ бошланғич партия ташкилоти ташаббусни ўз қўлига олиб фаоллик кўрсатмоқда. Районда 1230 ХДП аъзоси бор. Улар ҳозирги ёғин-сочинли кунларда дала ишлари сифатли бажарилиши ташаббускори бўлдилар. Жойларда дала шийпонларини таъмирлаш, улар атрофида томорқалар барпо этишни ҳам ХДП аъзолари бошлаб беришди.

М. ЖОНУЗОҚОВ.

Фаоллар ёрдамида

Май ойи ўртасида бўлган кучли ёғингарчилик Яккабоғ районига ҳам катта талофат келтирди. Табиий офатдан айниқса райондаги «Марксизм», «Шарқ юлдузи», Ульянов номли, «Правда», «Қизил Ўзбекистон», «Қизил юлдуз» жамоа хўжаликлари ва «Коммунист», «Яккабоғ», «Ҳисор» давлат хўжаликлари, шахсий уйжойлар жиддий зиён кўрди.

10200 гектар ерни сел олди. Жумладан, 4687 гектар пахта, 673 гектар мевали боғ, 419 гектар токзор, 3379 гектар ғаллазор ва бошқа экин майдонлари лойқа остида қолди. 37 километр йўл, 10 та кўприкни сув олиб кетди. Шунингдек, 4829 оила жабр кўрди.

Табиий офат оқибатларини тугатиш учун район ҳокимлиги билан бирга ХДП район кенгаши ижроия бюроси шошилинч чораларни белгилади. Махсус штаб тузилди. Партия фаоллари одамлар ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириб юбордилар.

Биз район партия кенгаши биринчи котиби Ф. Юсуповни ҳам «Яккабоғ» давлат хўжалигида жабрланган хонадонларга кириб, далда бериб юрган пайтида учратдик.

— Асосий эътиборни аҳолини тинчлантиришга, ҳар хил миш-мишларга чек қўйишга, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришга қаратяпмиз, — деди у. — Халқ билан ишлаб, уларга ҳеч бўлмаса маънавий мадад бермоғимиз керак.

Биринчи котибнинг сўзларида жон бор. Офат рўй берган кунлардан бошлаб район ҳокими Т. Шоназаров ва ХДП фаоллари тиним билмай колхоз ва совхозларга чиқиб, жабрланганларга таскин беришяпти.

— Республика ҳукуматидан ҳадеб моддий ёрдам талаб қилавериш ҳам менимча тўғри эмас, — дейди Ф. Юсупов. — Ахир бу офатдан бутун жумҳурият аҳолиси баравар зарар кўрди-ку. Шундай экан ҳукумат қайси биримизга қарашсин. Шу сабабли ХДП район кенгаши ижроия бюроси табиий офатдан зарар кўрганларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашни ташкил этиш мақсадида район аҳолисига мурожаатнома қабул қилганди. Эндиликда акционерлик тижорат деҳқон банки район бўлимининг 70037 рақамли ҳисобига озми-кўпми маблағ келиб тушмоқда. Бу соҳада партия фаоллари алоҳида жонбозлик кўрсатишаётир. Биргина район партия кенгаши аппарати 800 сўм пул ўтказди. Албатта, бу ҳамир учидан патир. Колхоз ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотлари ҳам қараб турганлари йўқ. Ҳамма қўлидан келганича кўнглидан чиқариб ёрдам беряпти.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

МОСКВАГА ТАШРИФ

● Жанубий Африка Республикасининг Президенти Фредерик де Клерк давлат ташрифи билан Москвага келди.

Президент аэропортдан тўппа-тўғри Кремлга йўл олди. Бу ерда Россия Президенти Борис Ельцин билан учрашди.

Ташрифнинг биринчи куни асосан музокараларга ва иккала давлат делегацияларининг суҳбатларига ажратилди. Санкт-Петербург шаҳрида ташриф ниҳоясига етди. Жанубий Африка Республикаси Президенти бу ердан Токиога жўнаб кетди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусни Мубарак ҳозирги аҳвол тўғрисида ўз фикрларини баён этди.

Президент собиқ Совет Иттифоқидаги мусулмон республикалари Россия билан бениҳоя кўп иқтисодий ва савдо алоқалари боғлаб келган эди ва ҳозир ҳам боғлаб турибди, деди. У сўзини давом эттириб, шуни таъкидлади: эндиликда мустақил давлат бўлиб қолган шу республикаларнинг барча соҳаларда Москва билан кўп томонлама ҳамкорликни давом эттиришдан бошқа иложи йўқ. Президент Ливия билан Ғарбдаги бир қанча мамлакатлар ўртасидаги можарони бартараф этишда МАРнинг мавқеи ҳақида ҳам гапирди.

ҚАТЪИЙ ЧОРА

● Буюк Британия ҳукумати Югославия элчисини мамлакатдан чиқариб юборишни билдирди.

Буюк Британия ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили шуни маълум қилди: БМТнинг қарорига мувофиқ шундай чора кўриладиган бўлди. Мазкур қарорга биноан жаҳон ташкилотига кирувчи мамлакатлар ўз пойтахтларида Югославиянинг дипломатия вакилларини қисқартиришга мажбурдирлар.

БОШ ВАЗИРНИНГ САФАРИ

● Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор Шотландия бўйлаб сафарда юрибди.

Ҳукумат бошлиғи савдо-саноат доиралари намояндалари билан учрашиб, Югославиянинг собиқ республикалардаги вазиятни бартараф этиш учун ҳарбий кучдан фойдаланишга қарши эканини билдирди. Ҳозирги шароитда бу соҳада БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорига биноан яқинда Сербияга нисбатан жорий этилган қаттиқ иқтисодий жазо чораларига кўпроқ умид боғлаш лозимлигини таъкидлади.

АҲВОЛИ ДУРУСТ

● Иордания пойтахтидаги касалхонада Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроқўмининг раиси Ясир Арафатнинг миясида операция қилинди.

Операция 90 дақиқа давом этган. Касалхона бош шифокори журналистлар билан мулоқотда бўлди. Я. Арафатнинг миясида қотиб қолган бироз миқдордаги қон олиб ташланган. Унинг аҳволи дуруст. Ҳеч қандай хавф эса йўқ.

КУЧЛИ ЁНҒИН

● Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳри яқинидаги районлардан бирида кучли ёнғин содир бўлди.

Кичкинагина ресторанда газ баллонининг портлаши натижасида ёнғин келиб чиққан. Фалокат туфайли 21 киши ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар эса жароҳатланди.

УКРАИН ТИЛИДА

● Би-би-си радиосининг бутун жаҳон хизмати кейинги ўн йилликлар мобайнида илк бор янги тилда — украин тилида эшиттиришларни бошлади.

Эшиттиришлар ҳафтасига 7 соат бўлади. Мавзулар танлаб олинган. Айниқса, Чернобль фожиаси оқибатларини ёритишга катта ўрин ажратилади.

(Жаҳон телеграф агентликлари ва рўзномаларнинг хабрлари асосида тайёрланди).

ЗИЁРАТЧИЛАР МАККАГА ЖЎНАБ КЕТИШМОҚДА

Зиёратчиларнинг катта гуруҳи 1 июнь куни Андижондан Тошкентга жўнаб кетди. Республика пойтахтидан 320 киши ҳаж қилиш учун Саудия Арабистонига боради. «Андижонтурист» вилоят бирлашмаси уларга ана шундай имконият яратиб берди. Бирлашма «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясидан ижарага олган «ИЛ—86 самолёти Тошкентдан Жиддага парвоз қилади.

«Андижонтурист» ҳаж сафарини ташкил этиш ташвишларини, жумладан Саудия Арабистонига бориш учун ҳужжатларни расмийлаштиришни, Андижонда тиббий кўрикдан ва божхона текширувидан ўтказишни ўз зиммасига олди.

Бирлашманинг бундай хизматидан фойдаланишни хоҳловчилар кутилганидан ҳам бир неча баравар кўп бўлди. Шу сабабли «Андижонтурист» зиёратчиларни Макка ва Мадинага олиб беришни кўзда тутувчи битим тузиш учун вакилларини Саудия Арабистонига юбориш ниятидадир.

(ЎзА).

• Мустақиллик ишчанликни ёқтиради

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида, бозор муносабатлари, эркин нархларга ўтилаётган бир пайтда қурилиш материаллари анқонинг уруғига айланиб қолди. Айни кезда ёғоч, тахта, шифер, цемент изловчилар кўп. Қурилиши аллақачон бошланган бир қатор чала объектлар пишиқ ғишт, поллик тахта, цемент йўқлигидан ҳамон фойдаланишга топширилмай турибди.

Хўш, нега шундай? Нима учун қурилиш материаллари кўпайиш ўрнига камайиб боряпти? Ахир, ёғоч билан тахтани Россиядан олсак-да, цемент, шифер, оҳакни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти бор-ку?! Ҳа, қурилиш материалларининг ана шу турларини жумҳуриятимизда ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бироқ қани хом ашё? Қани замонавий асбоб-ускуна?

Республикамиздаги энг йирик саноат корхоналаридан саналган Навоий цемент заводи собиқ Иттифоқ шартномасидан путур кетиши туфайли ўтган йили тўла қувватда ишлай олмади. Натижада қурилишнинг «нони»—цемент ишлаб чиқариш кўпайиш ўрнига камайди.

Афсуски, жорий йил режасига келганда аҳвол мураккаблашди. Чунки цементни кўпайтириш учун хом ашё йўқ. Бунинг устига илгарилари ҳар тоннаси 2 сўм бўлган шлак (фосфор ўғитлари чиқиндиси) эндиликда 250 сўм. Шунингдек, заводга ниҳоятда зарур бўлган ганч, гил, темир қипиғи ҳам ана шундай юз, икки юз баравар қимматлашди.

Хом ашёнинг бу қадар қимматлашиб кетиши завод жамоасини бирмунча ширириб қўйди. Айниқса, заводнинг 1- ва 2-куйдириш печларидаги жараёнларда кўзда тутилмаган узилишлар такрорланяпти.

Шартнома шартларини бажармаётганлар қаторига қўшни Қозоғистон жумҳуриятидагиларни ҳам қўшиш мумкин. Чунки Жамбул ва Чимкентдан навоийлик цементчилар ҳар йили кўплаб шлак олишарди. Аммо бу вилоятлардаги фосфор ишлаб чиқариш заводлари жамоалари ҳам тангликни, узилишларни бошдан кечиришяпти.

Шунга ўхшаш узилишлар туфайли Навоий цемент заводига бултур ўн минг тоннадан зиёд зарур хом ашё етиб келмади.

Бу аҳвол билан қандай қилиб ҳар куни 8 минг тонна ёки йилига 3 миллион тонна қурилиш «нони»ни ишлаб чиқариш мумкин? Бу-ку майли-я, тоннаси 250 сўм бўлган оддий шлакни, чиқиндини қанча-қанча транспорт ҳаражати сарфлаб олиб келишни завод иқтисодиёти кўтарадими? Бу сингари муаммолар завод раҳбарларини, муҳандис-техникларини анча ошириб қўйди.

Ноилож, даромад буромадни қоплайвермагач, улар ҳам цемент нархини иккиуч баравар оширишга қарор қилишди. Масалан, шу йил январь ойида тоннаси 68 сўм бўлган цемент февралда 234 сўмга, мартда эса 523 сўмга чиқди. Бу нархларда қурилиш ташкилотлари-ку маҳсулотни сотиб олар.

Хуллас, заводда бир-биридан чигал муаммолар кўп. Бунга ўтга чидамли пишиқ ғиштлар тақчиллигини ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай ғиштлар ҳозиргача Россиянинг Челябинск вилоятидаги Сатка шаҳри заводидан олинарди. Афсуски, улар шартномани унутишди. Хориждан эса бу сингари ғиштларни фақат валюта ҳисобига харид қилиш мумкин. Икки йилдирки, Чехословакиядан зарур миқдордаги ўта чидамли пишиқ ғиштни цементчилар валютасиз ололмай ташвишда. Яхшиям яқинда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси бу муаммони деярли ҳал этди. Эндиликда шу ноёб ғиштлар олинаяпти ва куйдириш печлари босқичма-босқич таъмирланаяпти.

Завод раҳбарлари қийинчиликларни ёҳуд муаммоларни рўкач қилиб, қўл қовуштириб туришгани йўқ, албатта. Улар мавжуд резервлар, имкониятлардан фойдаланган ҳолда завод иқтисодиётини яхшилаш, цементчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун бор чора-тадбирларни қўллашмоқда. Ҳозир цементчиларнинг ҳар бири ўртача 1000—1300 сўмдан маош олишаяпти.

Яна бир қувончли томони, бу—заводнинг зарур хом ашё — шлак ва гилга ёлчиб қолганидир. Завод яқинидан, яъни Маликчўл кенглигидан туфик (гилга ўхшаш цементбоп хом ашё) кони топилди-ю иш олдига босди. Шартномачилар билан «сан-манга» бориб юрган цементчилар дарҳол конга транспортёрли лента-лар ўрнатишди-ю, туфик қазиб олишни тезкорлик билан бошлаб юборишди. Бу, биринчидан, хом ашё тақчиллиги олдини олса, иккинчидан, иқтисодиётни яхшиламоқда, ортиқча харажатларга чек қўймоқда.

Шунга айтсалар керакда: «Излаган имкон топар», деб. Ҳозир ҳар куни навоийлик цементчилар саккиз минг тонна атрофида сифатли қурилиш хом ашёси ишлаб чиқаришяпти. Агар эҳтиёт қисмлар, зарур асбоб-ускуналар, ўтга чидамли пишиқ ғиштлар тақчиллиги ҳам ҳал этилса борми, цементнинг янада кўпайиши ва арзон бўлиши ҳеч гап эмас.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ НАВОИЙ ЦЕМЕНТЧИЛАРИГА МАДАД БЕРА БОШЛАДИ

● Тўрткўл йигирув-тўқув тикувчилик бирлашмаси ишчиси Олтиной Ернашова сифатли маҳсулот тайёрлаши туфайли корхонада донг таратган.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

30 май куни Тошкентда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг XVII қурултойи бўлди. Жамият раиси У. Т. Воҳидова амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамиятининг янги мақоми қабул қилинди, жамият Низомига ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов Қизил ярим ой жамиятининг фахрий раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этди.

(ЎзА).

• Спорт • Спорт • Спорт

МУВАҚҚАТ АЪЗО

● КАНАДАнинг Торонто шаҳрида енгил атлетика халқаро федерациясининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Халқаро уюшманинг бу йиғилишида собиқ Иттифоқнинг бир қанча республикалари ҳақида гап юритилди. Жумладан, Россия, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон Молдова, Тожикистон, Туркманистон, Украина ва Ўзбекистон республикаларини халқаро енгил атлетика федерациясига муваққат аъзоликка қабул қилингани эълон қилинди. Шу йил Барселона шаҳрида ўтказиладиган олимпада ўйинларидан кейин бу республикалараро халқаро уюшманинг доимий аъзоси, деб тан олиниши кўзда тутилмоқда .

МАРРАДА УЧИНЧИ

● Италия йўллари бўйлаб ўтказилаётган кўпкунлик велопойга давом этмоқда.

Халқаро пойгада тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов ҳам иштирок этмоқда. Маълумки, у яқинда Испания йўллари бўйлаб ўтказилган халқаро пойгада тўрт марта ғалаба қозониб, мухлисларни қувонтирган эди. Бу сафар 184 километрли саккизинчи босқичда маррага учинчи бўлиб келди.

КУЧЛИЛАР САФИДА

● СПОРТ гимнастикаси бўйича МДҲ дастлабки чемпионати ўтказилди.

Москва яқинидаги «Думалоққўл» спорт базасида ўтказилган бу мусобақада республикамиз гимнастикачилари ҳам муваффақиятли куч синашга ҳаракат қилишди. Чунончи, тошкентлик Оксана Чусовина, мажбурий ва эркин машқларни бажариш бўйича тўртинчи ўринни эгаллади. Олмалиқлик Роза Галиева эса кучли ўнликдан жой олди.

СОВРИНДОРЛИК БАҲСИ

● БУГУН республикамиз бир қанча шаҳарларида футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг нимчорак финал учрашувлари ўтказилади.

Мухлислар «Сўғдиёна» — «Чирчиқ», «Нефтчи» — «Шаҳрихончи», «Янгиер» — «Навбаҳор», «Наврўз» — «Шифокор», «Мароқанд» — «Зарафшон», «Зарангар» — «Атласчи», «Темирйўлчи» — «Норин», «Трактор» — «Косонсойчи» жамоаларининг учрашувларини томоша қиладилар. Такрорий учрашувлар 14 июнда ўтказилади.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

● Туркия Республикаси билан Америка Қўшма Штатларидан келган ишбилармонларнинг катта гуруҳи Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Юзга яқин ишбилармонлар Ўзбекистон бозоридаги талабларни ўрганишмоқда.

1 июнь куни улар Тошкентда Ўзбекистон вазирликлари ва идораларининг намояндалари билан учрашдилар. Учрашувни республика Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов очди.

Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилинганлиги, БМТга, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кегашига, бошқа халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кирганлиги унинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши учун кенг имкониятлар яратиши таъкидлаб ўтилди. Республикада бой хом ашё, табиат ва меҳнат ресурслари мавжудки, бу сармояни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш учун, катта фирмаларнинг фаолияти учун жуда истиқболлидир. Олий Кенгаш сармоя эгалари учун яхши шароит яратиб берадиган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилди. Қўшма корхоналар барпо этиш, имтиёзли солиқ солиш, ишлаб топилган пулни олиб чиқиб кетиш имкониятини бериш тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Учрашувда сўзга чиққан Туркия Республикасининг Тошкентдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чотур Ўзбекистон халқи, ҳукумати Туркияга жуда дўстона муносабатда эканлигини ва икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда фаол кўмаклашишга тайёр эканлигини таъкидлади. У ҳозирги учрашув давомида муайян аҳдномаларга эришилади, деб ишонч билдирди.

АҚШ дипломатияси маҳкамасининг Ўзбекистондаги вакили аҳолининг хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлаётганлиги, ҳукуматнинг масалаларни ҳал этишга ишчанлик билан ёндашаётганлиги амалий алоқалар учун кенг истиқболлар очади, деб таъкидлади.

Кўпгина ишбилармонларни экология муаммолари қизиқтирди. Туркия ва АҚШ компаниялари Орол денгизини ҳимоя қилиш ва асрашдан манфаатдордирлар. Улар шу муаммони ҳал этишга доир ўз таклифларини тақдим этишга тайёрдирлар. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этиш, шифохоналар, сайёҳлар мажмуалари қуриш, фойдали қазилма бойликларини қазиб чиқариш имкониятлари ишбилармонлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Туркия билан АҚШ савдо-саноат доираларининг вакиллари шўъбаларда Ўзбекистон вазирликлари, идоралари, концернлари, мутахассислари билан учрашиб, қўшма иқтисодий фаолиятнинг аниқ масалаларини муҳокама қилдилар.

(ЎзА).

1992 ЙИЛДА ТОШКЕНТ СИЁСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИНИНГ СИЁСАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Сиёсатшунослик ва бошқарув институти 1992 йилда сиёсатшунослик факультетининг кундузги икки йиллик ва сиртқи уч йиллик бўлимларига тингловчилар қабул қилиш тўғрисида таклифлар киритади. Қабул Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари тавсиялари асосида партия ходимлари ва фаоллари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассаса ходимлари орасидан танлаб олинган ҳолда амалга оширилади.

Институтга кирувчи тингловчилар 40 ёшга тўлмаган олий маълумотли бўлиб, улар суҳбат формасида конкурс асосида танлаб олинади. Машғулотлар 1992 йил 1 сентябрдан бошланади.

Сиёсатшунослик факультетини битирган кишиларга «Сиёсатшунос Социал-сиёсий фанлар ўқитувчиси» деган ихтисос берилади. Бу ихтисослардан партия ва давлат органларидаги раҳбар ишларида, жамоатчилик ташкилотлари аппаратида, оммавий ахборот воситаларида, кадрлар ва социал хизматларда, бирлашмалар, корхоналар ва идораларда фойдаланиш мумкин.

Мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда снёсатшунослик факультетига: кундузги икки йиллик бўлимга 60, сиртқи уч йиллик бўлимга 100 киши қабул қилиниши назарда тутилмоқда.

Институт ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтганлиги сабабли сиёсатшунослик факультетининг кундузги бўлими тингловчиларистипендияси уларни юборган ташкилотлар маблағи ҳисобидан тўлансин деган таклиф киритилади. **Сиртқи бўлим тингловчилари ёки тингловчиларни шу бўлимга юборган ташкилотлар таълим учун йилига 2 минг сўм ҳисобида ҳақ тўлайдилар.**

Тингловчиларни қабул қилиш 1992 йилнинг июнь ойи давомида амалга оширилади.

• МУТОЛААДАН СЎНГ

АМИР ТЕМУР ЁДИ

● Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV—XV асрлардаги, яъни Темур ва темурийлар даври тарихини ёритишда илк манба хизматини ўтайдиган талайгина асарлар фанга маълум.

Дарҳақиқат, ҳужжат тўпламлари ҳамда бошқа ёдгорликларни ҳисобга олмай, фақат мукаммал тарихий асар сифатида ёзилган манбалар номининг ўзи ҳам катта бир рўйхатни ташкил этади. Масалан, Низомиддин Шомийнинг Темур ҳаётлигида ёзилган «Зафарнома», Ҳофизи Абрунинг Темур вориси бўлмиш Шоҳруҳ даврида ёзилган «Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий», Шарафиддин Али Яздийнинг машҳур «Зафарнома»си, Фасиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий»си, Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтирган (1470) йили ёзиб тамомлаган «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» деган китоби, Мирхонднинг Алишер Навоий даврида ёзилган етти жилдлик «Равзот ус—сафо»си, Хондамирнинг «Маъосирул-мулук»и, «Хулосат ул—ахбори» ва уч жилдлик «Ҳабиб ус—сиар»и шулар жумласидандир. Бу асарлар форс-тожик тилида ёзилган.

Мазкур асарларда келтирилган нодир тарихий маълумотлардан ҳозирги ва ўтган замон тадқиқотчилари кенг фойдаланишган. Шу билан бирга уларнинг ғоят қимматли манба эканлиги ҳақида, муаллифларнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолияти тўғрисида бир қанча илмий ҳамда оммабоп китоблар, мақолалар ёзилган. Бироқ XIV—XV асрларда яшаб ижод қилган араб тарихнависи **Ибн Арабшохнинг «Ажоиб ал—мақдур» фи тарихи Таймур» («Темур тарихида қаҳдир ва ажойиботлари») номли асари** бошқа асарлардан фарқли ўлароқ мамлакатимиз халқлари тарихини ёритишда алоҳида аҳамият касб этади. 1436—1437 йилларда ёзилган бу асар, асосан, XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмидаги Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихига доир муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Асарнинг аксар ҳолларда муаллиф Самарқандда яшаганда олган таассуротлари ҳамда Моваройннаҳрдан жўнаб кетгач, илгарироқ Темур томонидан забт этилган бир қанча шаҳар ва мамлакатларда саёҳатда бўлиб, у жойларда кўрган ва эшитганлари, шунингдек, муаллиф замондошларининг ҳикоялари тарзидаги фактик маълумотларга асосланиб ёзилиши унинг ишончли тарихий манба эканлигидан далолат беради.

Шу боисдан ҳам «Ажоиб ал—мақдур» XVIII асрдан бошлаб қатор (француз, лотин, турк, инглиз) тилларга таржима қилинган. Лекин шу кунга қадар асарнинг тўлиғича ўзбек ёки рус тилига таржимаси қилинмаган эди. Сабаби, академик И. Ю. Крачковскийнинг таъкидлашича, Ибн Арабшоҳнинг тил ва баён услуби жуда мураккаб бўлган.

Шунга қарамай истеъдодли арабшунос, тарихчи олим Убайдулла Уватов асарни ўзбек тилига таржима қилиш учун Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик илмгоҳида кўп йиллар мобайнида тинимсиз меҳнат қилиб, таржимани нашрга тайёрлади ва маълум сабабларга кўра таржима нашр этилмай қолди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Амир Темур даври тарихини муфассал ўрганиш учун манбашуносликда катта ишлар олиб борилаётган бир пайтда У. Уватовнинг тайёрлаган таржимаси айни муддао бўлади ва Тошкентдаги «Меҳнат» нашриётида нашрдан чиқди.

1401—1408 йилларда Ибн Арабшоҳ Самарқандда яшаган ва ўз билимини истаганча оширишга муяссар бўлган. Кейинчалик кўп ўлкаларга саёҳат қилган. Инглиз шарқшуноси Ш. Рёьнинг (1820—1902) маълумоти бўйича Ибн Арабшоҳнинг қаламига мансуб («ат—Таълим ат—Тоҳир») номли бир асарида муаллиф ўзи ҳақида ёзиб, ўз даврининг улуғ подшоҳлари саройида бўлиб, улардан кўпларининг, хусусан, Ҳинд, Эрон, Деҳли, Дашти Қипчоқ ва Рум билан бир қаторда Чиғатой ҳукмдорлари хизматини ўтаганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Гарчи муаллиф қандай хизматда бўлганлигини ёзмаса-да, унинг саройида аҳлари билан муносабатда бўлганлигига қисман асос бор. Чунончи Ибн Арабшоҳ Самарқандда бўлган даврида шу жойдаги баъзи эътиборли кишилар билан ўтказган суҳбатини ўз асари «Ажоиб ал—мақдур»да бир неча бор такрорлайди.

Ўз даврининг етук тарихнависи, адиби, шоири ва фиқҳ олими сифатида машҳур бўлган Ибн Арабшоҳнинг қаламига ўндан ортиқ тарихий-адабий асарлар мансуб.

Тарих ва адабиётга оид мустақил асарлар ёзиш билан бирга, турк ва форс тилларини мукаммал билганлиги сабабли Ибн Арабшоҳ фаолиятида таржимонлик истеъдоди ҳам катта ўрин тутади. Унинг қаламига бир неча таржималар ҳам мансуб. Жумладан XIII аср форс адиби Жамолуддин Муҳаммад Авфийнинг «Жавомиъ ал—ҳиқойот ва лавомиъ ар—ривойот» («Танланган ҳикоятлар ва ёркин ривоятлар») номли антологиясини бир неча жилдда форс тилидан туркчага таржима қилди.

Шу билан бирга, муаллифнинг Темур ва темурийлар даври ҳаётига бағишлаб ёзилган «Ажоиб ал—мақдур» фи тарихи Таймур» номли тарихий асари унинг муҳим таълифи ҳисобланади. Асар юқорида эслатилгандек, 1436 йилда ёзиб тамомланган. Кейинчалик (1437 йилдан сўнг) унга айрим қўшимчалар киритилган.

Ибн Арабшоҳ асари XIV—XV аср Шарқ мамлакатлари тарихини ёритишда қимматли манба сифатида ўзидан сўнг ёзилган бир қатор тарихий асарлар, биографик қомуслар учун ҳам бош манбалардан бири сифатида қўлланиб келди.

«Ажоиб ал мақдур»нинг талайгина қўлёзмалари нусҳалари мавжуд бўлиб, улар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Туркияда (Истанбул), Дамашқда, Ҳалабда, Санкт-Петербургда, Парижда, Манчестрда, Гота кутубхонасида. Лондонда, шунингдек, тадқиқотчимиз У. Уватовга асос қилиб олинган нусҳанинг асл нусхаси Қоҳирани нинг миллий кутубхонасида сақланиб келаётир.

Ибн Арабшоҳнинг мазкур асари деярли ярим асрлик давр воқеаларини ўз ичига олган ва кўп сонли «зикр» (баён)лардан иборат.

У. Уватов шу «зикр»ларнинг жойлашуви ҳамда асарнинг композициясига асосланиб, уни тўрт бўлимга ажратган. Биринчи бўлимга Темурнинг насаби, болалик ва ўспиринлик йиллари дастлабки фаолиятга оид маълумотлар киркан. Иккинчи бўлимда Темур Моваройннаҳрда ҳокимиятни мустақил эгаллагандан (1370 йил) бошлаб деярли умрининг охиригача олиб борган ҳарбий юришлари ҳикоя қилинади. Темур вафотидан кейин тахминан 1436 йилгача бўлган воқеалар учинчи бўлимда баён қилинади. Охирги тўртинчи бўлим эса Темурнинг сифатлари, шакл-шамойиллари, табиий ҳислатлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, У. Уватов таржимага ёзган тадқиқот қисмида фақатгина «Ажойиб ал—мақдур»да келтирилган маълумотларга таянмай балки ўша даврдаги бошқа тарихчилар яратган асарлари билан қиёсий ўрганиб чиққан ва тўғри хулосалар чиқаришга муяссар бўлган.

Ибн Арабшоҳ асарида келтирган тарихий маълумотларнинг аксар қисмини сиёсий воқеалар ташкил этса-да, ўша давр ҳаётининг бошқа томонларига доир кўпгина фактик маълумотлар учрайди. Масалан, «Ажоиб ал—мақдур»да келтирилган Самарқанд сарбадорлари ҳақидаги хабарлар диққатга сазовор. Муаллиф сарбадорларни «шутторлар», яъни «бузуқлар», «таловчилар» деб атаб, ўз асарида баён қилишича, Самарқанд сарбадорлари турли тоифадаги кишилардан ташкил топган ва икки гуруҳга бўлиниб, мудом ораларида адоват, муқотала содир бўлиб турган. Шунчалик қудрати бўлишига қарамасдан Темур улардан ҳавотирда бўлиб, тўққиз мартача улар бош кўтариб ўзига қарши ҳуруж қилгач, Темур уларни қатл этиб, зиёну зарарларидан амин бўлган.

Темур ҳукмронлик қилган йилларда Моваройннаҳрнинг турли томонларида кўпинча иншоотлар барпо этилди. Бунга бир томондан мамлакат сиёсий ҳаётида ҳосил бўлган вақтинчалик нисбий осойишталик имкон яратган бўлса, иккинчидан эса, маҳаллий ҳунармандлар билан бир қаторда забт этилган турли мамлакатлардан Моваройннаҳрга, асосан Самарқандга келтирилган мутахассис ҳунармандлар, меъморлар, наққошлар кенг кўламда қурилишга жалб қилиниши ижобий таъсир кўрсатди.

Ибн Арабшоҳнинг асарида шуниси характерлики, Темур Самарқандга олиб келган шахслардан баъзан оддий ҳунармандларнинг номлари ҳам зикр қилинади.

Чет ўлкалардан Самарқандга келтирилган ҳунарманд ва усталар ҳамда маҳаллий аҳолининг самарали меҳнати ва ноёб санъати билан ўша даврда бунёд этилган Масжиди Жомеъ, Шоҳизинда, Гўри Амир каби шарқ меъморчилик санъатининг ажойиб намуналари бўлган муҳташам иморатлар, бир томондан шуҳратпараст ҳокимларнинг ўз давлати қудратини намойиш қилишга жонужахд кўрсатганликларини англатса, иккинчидан, феодал зулми шароитида маданий бойлик яратиб кейинги авлодларга мерос қолдирган ўша халқлар муштарак ижодини ҳам ифодалайди.

«Ажойиб ал—мақдур»да ўша даврда янги қурилган турли қурилиш иншоотлари, тикланган баъзи шаҳарлар, қалъалар, боғ-роғлар барпо этиш ва шу қурилишда қатнашган ёки бошчилик қилган шахслар ҳақида бирталай маълумотлар келтирилган.

Аввал зикр қилганимиздек, Ибн Арабшоҳ Самарқанддан жўнаб кетгач, узоқ вақт саёҳат қилиб бир неча мамлакатлар ва шаҳарларда бўлди. Ўзи зиёрат қилган жойлар ва у ерлар аҳлининг урф-одати, маданияти, ижтимоий аҳволи ҳақида муаллиф ўз асарида келтирган ҳам тарихий, ҳам жуғрофий тарздаги талайгина қизиқарли маълумотлар кўп ўринларда муаллифнинг шахсий кузатувларига асосланган. Масалан, муаллиф Хоразм, Марғилон, Хўжанд, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Бухоро, Деҳли, Сивос каби шаҳарлар васфига қисқача тўхталиб ўтган.

«Ажоиб ал-мақдур»нинг яна бир қимматли томони шундаки, асар фақат Ўрта Осиё тарихига оид бўлиб қолмасдан, балки XIV—XV асрлар Олтин Ўрда, Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистон, Ироқ, Сурия, Туркия каби мамлакатлар тарихига оид муҳим манба ҳисобланади. Чунончи асарда мазкур мамлакатлар тарихи, айниқса ҳокимлари, давлат арбоблари ва аъёнлари ҳаётига доир талайгина маълумотлар учрайди. Масалан, муаллиф Дашти Қипчоқнинг султони Бароқхон (1257—1267) ҳақида ёзиб, уни илму фанга қизиққан киши, ўз пойтахти саройида кўп олимларни йиққанини қайд қилади.

Ибн Арабшоҳ ўз асарининг дастлабки уч бўлимида аксар ҳолларда сиёсий воқеалар баёнига тўхталган бўлса-да, кўриб ўтганимиздек, ўша давр ҳаётининг турли томонларига оид кўпгина маълумотларни келтиради. Бироқ асарнинг охирги, тўртинчи қисми Темурнинг сифатлари ва табиий қисмлари ҳақидаги бўлим деб аталса-да, XIV аср охири ва XV аср биринчи ярми Моваройннаҳр маданий ҳаётига доир кўп маълумотлар ҳам учрайди.

«Ажоиб ал—мақдур» давлатни идора қилиш услубига, ер эгалигига оид маълумотларга ҳам эга бўлиб, айниқса ўша даврда кенг тарқалган насланнаслга мерос бўлиб қоладиган мулк-суюрғол тариқасида улашишга асосланган бу идора услуби астасекин Темур давлатини ичдан кемириб, оқибатда унинг емирилишига олиб келган эди.

Ибн Арабшоҳ ўз асарида Самарқандда яшаб ижод қилган кўпгина йирик олим, фозиллар, машҳур санъаткорлар, моҳир ҳаттотлар, шатранж усталари ҳақида келтирган маълумотлари ҳам катта аҳамиятга эга. Чунончи, муаллиф аксар ҳолларда ўзи яхши хабардор бўлган ёки шахсан шоҳиди бўлган фактларга таяниб ёзган.

Юқорида қайд қилинган мулоҳазалар «Ажоиб ал—мақдур»ни XIV аср охири ва XV аср бошлари Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари ҳаётининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий томонларини ёритишда муҳим манбалардан бири сифатида ҳисоблаш мумкин.

Бундан ташқари, асарнинг сажъ услубига риоя қилиниб ёзилиши туфайли ҳам баъзи бир тарихий, жуғрофий характердаги хатоларга йўл қўйилган.

Бироқ, айрим камчиликларга қарамасдан, «Ажоиб ал-мақдур» XIV аср охири ва XV аср бошлари Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан Ўрта Осиё тарихининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий томонларини акс эттирувчи муҳим тарихий асар эканлиги юқорида келтирилган мулоҳазаларимиздан ҳам равшан.

У. Уватов Ибн Арабшоҳ асарини нашрга тайёрлаш жараёнида биз кузатганимиздек, тадқиқот ва изоҳлар қисмларига кўп форс ва араб манбалари билан қиёсий иш олиб борган. Шулар қаторида Хондамирнинг «Хабиб ас—сияр»дан ташқари бошқа асарларини ҳам, яъни «Маъосир ал-мулук», «Хулосат ал—ахбор» ва «Макорим ал-аҳлоқ» тадқиқотига жалб этилганда ёмон бўлмас эди. Чунончи ушбу асарларда Темурийлар даври маданиятига оид талайгина муҳим маълумотлар мавжуд.

Б. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори.

Д. ЮСУПОВА,
Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

«ТУРКИСТОН» БИРЖАСИ: ИНСОФ САРИ БАРАКА

Мустақил Ўзбекистонимизда яна бир биржа — «Туркистон» Ўрта Осиё минтақаларо товар, хом ашё ва фонд биржаси ўз фаолиятини бошламоқда. Биржа бошқарувининг раиси М. А. ХУДОЙҚУЛИЕВА.

ТАНИШИНГ: Муҳаббат Абдуллаевна Худойқулиева, онлари, икки фарзанд онаси. Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Мутахассислиги бўйича иқтисодчи-муҳандис. «Узколхозстрой», «Агрострой» тизимларида кўп йиллар мобайнида масъул лавозимларда ишлаган. Биржа соҳасида катта фаолият бошлаган биринчи ўзбек қизи.

— Муҳаббат Абдуллаевна, сиз тажрибали иқтисодчи-муҳандиссиз. Ҳаётингизда шундай туб бурилиш ясаб ишбилармонликка, айниқса биржа соҳасига қўл уришингиз боиси нима?

— Очиғини айтганда, умрим мобайнида сиз қаламкашлар ибораси билан айтганда, эркин ижодкорликни жуда ҳам орзу қилардим. Шукурлар бўлсинким, Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, тадбиркорлик эшиклари ҳам ланг очилди. Биржалар эса ишбилармонлик учун катта имкониятлар майдонидир. Элимиз дастурхони тўкинлиги фидокор деҳқонларимиз меҳнатига боғлиқ. Техника эса деҳқончилик қанотидир. Лекин улар қишлоқ хўжалиги машина-механизмлари, эҳтиёт қисмлар таъминотида таҳчиллик сезмоқдалар. Боз устига четдан уларни олиб келиш республикамиз қишлоқ хўжалиги саноати учун жуда қимматга тушмоқда. Шундай таҳчилликни пасайтириш мақсадида «Туркистон» Ўрта Осиё минтақаларо товар, хом ашё ва фонд биржаси ташкил топди.

— Дарвоқе, биржанинг «Туркистон» деб аталиши сабаби нима?

— Туркистон биржаси ўз атрофига МДҲга кирувчи Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь, Озарбайжоннинг йирик корхоналари, ташкилотларини бирлаштирган. Шунингдек, Москвадаги «Композит» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам таъсиси чиларимиздан биридир. Республикамиз томонидан «Ўзқишлоқ хўжалиги таъминотузатиш» давлат-ширкат қўмитаси, «Турон» тижорат бирлаштирув банки, Ўзбекистон паррандачилик саноати, «Ўзагроқурилиш» давлат ширкат ишлаб чиқариш бирлашмалари, Сув қурилиши хўжалиги давлат комитети, Ўзбекистон балиқчилик концерни, Тошкент мотор заводи, Ўзбекистон республикаси деҳқонлар Иттифоқи биржамиз таъсисчиларидир. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган машиналар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, шунингдек, ўзимизда ва ҳорижда ишлаб чиқарилган кенг халқ истеъмоли моллари биржамизда сотиш ва сотиб олиш мумкин.

— Республикамизда ҳозир кўпгина биржалар иш кўрмоқда. «Туркистон»нинг улардан фарқи ёки афзаллиги борми?

— «Туркистон»нинг қолган биржалардан фарқи шундаки, сотувчидан ҳам, олувчидан ҳам биз энг кам — 0,3 фоиз миқдорида ҳақ оламиз. Иқтисодчи бўлганлигим сабабли шу миқдор биржамиз фаолияти учун етарли бўлишини асослаб чиқдим. Мавриддан фойдаланиб, отабоболаримизнинг «Инсоф сари барака» деган ҳикматли гапини эслатиб ўтмоқчи эдим. Биз ҳозирги қимматчилик шароитида сотувчининг ҳам, харидорнинг ҳам манфаатларини ҳимоя этамиз. Шунингдек, харидорларга маҳсулотларни қўшни республикалардан бевосита етказиб берамиз. Холбуки маҳсулотларни харидорларнинг ўзлари шартномавий нархларда олиб келишаётган бўлса, бу уларга жуда қимматга тушади.

— «Туркистон» биржасининг дастлабки савдоси қачон ўтказилади?

— Биржамизнинг биринчи савдоси шу йилнинг 25 июнида ўтказилади. Очиқ савдога қишлоқ хўжалигининг турли машиналари, тракторлар, эҳтиёт қисмлар, ишлаб чиқариш технологиялари, енгил машиналар учун автошиналар шунингдек, республикамизда ва хорижда тайёрланган кенг халқ истеъмоли моллари қўйилади.

«Туркистон» Ўрта Осиё минтақаларо товар, хом ашё ва фонд биржасининг дастлабки очиқ савдоси 25 июнь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 34-уйда, Ҳамза номидаги давлат академик драма театри биносида ўтказилади. Ҳозирданоқ брокерлик ўринларини сотиб олиш мумкин.

Ҳар бир брокерлик ўрнининг баҳоси 50 минг сўм. Брокерлик ўрнига эга бўлганлар биржада тўғридан-тўғри олди-сотди ишларини олиб боришлари мумкин.

Суҳбатдош: А. РЎЗИЕВ.

«Туркистон» Ўрта Осиё минтақаларо товар, хом ашё ва фонд биржасининг манзилгоҳи:
Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-А уй. «Туркистон» Ўрта Осиё товар, хом ашё ва фонд биржаси.
Телефонлар: 44-51-80 44-58-26.
Факс: 445295.

• Яшил либос—ўлкамизга мос

БОҒ ЯРАТИНГ, БОҒ

Шу йилнинг 1 мартида республикамизда кўчат экиб боғ яратиш, ўрмонзорлар бунёд этиш икки ойлиги бошланганди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қошида икки ойликни ўтказиш бўйича республика штаби ҳам тузилди. Ҳамма қилиниши лозим бўлган ишлар билан таништирилди. Бу йил боғ, узумзорлар яратиш, эски боғларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари сифатида кескин бурилиш ясаш масаласи ўртага қўйилганди.

Мана икки ойлик ҳам якунланди. Хўш, мўлжалдаги ишлар амалга оширилдими? Аввало шуни айтиш керакки, икки ойлик бўйича якунловчи маълумотлардан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Бу йил бор йўғи 85 миллион туп мевали, манзарали дарахтлар экилди, холос. Бу ўтган йиллардагидан анча оз. Бироқ умуман олганда йиллик режа бажарилди. Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида режа ортиғи билан уддаланди.

Йигирма олти вазирликдан олтитаси кўчат экиш юзасидан режаларни бажарди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбирлашув», Савдо (собиқ, ҳозирги концерн), Уй-жой коммунал хўжалиги, Геология вазирликлари, республика Ўрмон давлат комитети шулар жумласидандир. Молиявий қийинчиликлар туфайли кўплаб колхоз ва совхозлар режани барбод этишди. Улар боғ яратиш (61,3 фоиз), узумзорлар бунёд этиш (77 фоиз) режаларини ўлда-жўлда қолдиришди. Боғ яратиш бўйича фақат Тошкент вилоятида ютуқ таъминланди. Андижонликлар 12,7 фоиз, наманганликлар 19,2 фоизли натижа билан кифояланишди.

Токзорлар яратиш бўйича Сурхондарё вилоятидаги натижа қувончли бўлди. Бу ерда режа 123 фоиздан ошириб юборилди. Андижонликлар атиги 7,1 фоиз, фарғоналиклар 21,4 фоиз, сирдарёликлар 24,5 фоизли иш бажаришди, холос. Ҳа, бу аҳволда қачон юртимизни боғ-роғлар-у, токзорларга айлантирамиз-у, қачон халқимиз дастурхонини мева-чевага тўкин қиламиз?

Лекин терак экиш бўйича катта иш қилинди. Режадаги 4 миллион 40 минг дона ўрнига 10 миллион тупдан зиёд кўчат экилди. Демак астойдил ҳаракат қилса бўларкан-ку?

Ўтган икки ойлик сабоғи шуни кўрсатдики, айрим вилоятларда ишчилар-у, хизматчилар, умуман бутун аҳоли бу муҳим ишга жалб этилмади. Қолаверса, кўп жойларда кўчат етишмай қолди.

Ўтган ишга саловат дейдилар. Кўчат экиш мавсуми-ку тугади. Гарчи камроқ экилган бўлса ҳам эндиги вазифа уларнинг ҳаммасини асраб қолиш. Халқ маблағи кўкка совурилмаслиги ва экилган кўчатларнинг биронтаси ҳам қуриб қолмаслигига эришмоғимиз даркор. Маълумот учунгина кўчат экиш, унинг кейинги тақдири билан қизиқмасликка барҳам берайлик. Ваҳолонки, кўп йиллардан бери юз миллионлаб кўчат экилади. Агар шуларнинг ҳаммаси омон сақлаб қолинганда эди, серқуёш республикамиз ўрмонзор диёрга айланган бўларди. Афсуски, уларни сақлаб қололмадик.

Бу йил эса экилган кўчатларни асраб қолиш имкониятимиз бор. Чунки баҳор фасли узоқ давом этди. Кетма-кет ёмғирлар ёғди. Бу кўчатларнинг қуриб қолмаслигига анчагина ёрдам беради. Лекин қўл қовуштириб ўтирилса ҳам улар гуркираб ривожланиб кетишига ҳеч қандай кафолат йўқ. Ҳали олдинда ёз жазирамаси турибди. Шундай қилайликки, ҳар бир нҳол одамлар меҳридан баҳраманд бўлсин. Вақтида тагини юмшатиб, суғорайлик, шундагина кўчатлар барқ уриб ўсади, ўлкамиз яшил либосга бурканади.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



● Халқимизнинг ардоқли фарзанди, мусаввир Чингиз Аҳмаров қутлуғ 80 ёшни нишонламоқдалар. Халқ тили билан айтсак, муҳтарам Чингиз ака 80 дан сакранг, 90 билан тўқнашинг, 100 билан юз кўришинг!

Суратда: Чингиз Аҳмаров ўз набиралари даврасида.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзА).

АГАР ТАЗЙИҚ БЎЛМАСА...

Денов бозори расталари олдида турибмиз. Савдо қилаётганларнинг қўллари чаққон. Шу пайт 30 ёшлар чамасидаги икки йигит растада чиройли қилиб теріб қўйилган олмаларни туртиб юборди. Орада жанжал бошланди. Оломон тўпланди. Олмафуруш икки қўлини фалакка ёйиб фиғон қилянти.

— Менинг айбим нима, эй, худо...

— Сен савдогарларда инсоф борми! — деди йигитлардан бири. Оламоннинг орасидан кимдир:

— Деҳқонни жазолаш, айб қўйишдан осони йўқ, — деди. Ҳозир ундан сахий одам йўқ. Агар ширин тилли бўлсанг, маҳсулотини айтганингдан икки-уч сўм камига беради. Аммо олибсотарлардан худо сақласин! Мана шундоққина нари ёғдаги расталарнинг баъзиларида, ширкат дўкончаларида инсофсиз кишиларгина хизмат қилишади. Биз йил ўн икки ой кетмон чопиб пахта етиштирамиз. Бир метр оддий газламани 80—90 сўм, бир килограмм конфетни 50—60 сўмга пуллашади. Деҳқонга ёпишмасдан, ана уларга ёпишинг, нархларини сўраб-суриштиринг, нархини арзон қилинг, сиздек йигитларга раҳматлар айтайлик. Айрим кооператив таксилари, ошхонаси, ҳамма-ҳаммаси фуқарони шилаётганини кўрмаяпсизларми? Уларга «миқ» этолмаймиз. «Миқ» этиб ҳам кўрингчи, дабдалангизни чиқаришади. Чунки, уларни ҳимоя қилишади. Фуқарони ҳам сабр косаси тугаяпти. Қачонгача тишимизни тишимизга қўйиб юрамиз. Нима биз, пулдорлардан, бойваччалардан тилимизнинг қисиқлиги борми? Улар мана бизнинг чўнтагимиз ҳисобига бойишмоқда. Биз ҳали «эркин» эмасмиз. Пулдорлар, бойвачча ғаламислар бор экан, дардимизни очиқчасига гапиролмаймиз. Улар бизни бўғиб келишмоқда. Мана оддий мисол, кеча матолар растасидан икки кийимлик газламадан олмоқчи эдим. Нархи намунча қиммат десам, сизни нархи қизиқтириб қолдими, ҳали, тўрт томонингиз қибла, қани жўнаб қолингчи, дейди.

Фуқаронинг норозилигини бош сабабчиси нимада? Кимлар одамларни норозилик сари бошлаб бормоқда. Менимча савол ҳам оддий, жавоб ҳам. Совет давлатида социализмнинг қулаши тараққиётга чет капитални олиб келди. Ҳамкорликдаги мамлакатларда мулкка муносабатлар ҳам кескин ўзгариб кетди.

Шошма-шошарлик билан қўлланилган тартибсиз бозор иқтисодиёти чириб қолган иқтисодимизни яна ҳам чигаллаштирди, фуқаронинг норозилигининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Яна бир томони мамлакатимизда

Ижтимоий адолат бўлими почтасидан

кенг йўл очиб берилган чайқовчилик, харидор ва хўрандалар ҳаққига ҳиёнат қилишлар, тартибсиз кооперативлар кишиларнинг норозилигини тобора ошириб бормоқда. Бу норозиликлар нима билан тугашини кўз ўнгингизга мундоқ келтиринг-чи...

Бозор иқтисодиёти республикамизда иккинчи босқични бошлади. Дўкон расталари қуп-қуруқ. Бир-нарсага ҳайрон қоласан киши. Ахборотларга қараганда республикамизнинг саноат корхоналари ҳар йилдагига қарагандa 1,5 — 2 ҳиссадан ошириб маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Хўш, шунча маҳсулотлар чиқарилаётган бўлса, нега дўконларнинг расталари бўм-бўш? Бугунги тақчиллик, йўқчиллик, талон-торожларнинг чек-чегараси бормикин? Савдо мутасаддилари, давлат назоратчилари қачон халққа юзма-юз туриб бу борада аниқ иш қилишаркин? Биз ҳар бир камчиликдан нолиб қачонгача Президентимизга мурожаат қиламиз. Унинг қиладиган ишлари бир олам. Ҳар бир раҳбар амал курсисига ўтирибдими, у ўз соҳаси бўйича халқ олдида, пок қонунларимиз олдида жавоб берсин. Қачонгача халққа иқтисодий азоб берамиз?

Президентимизнинг республикамиз ҳаётидаги жасоратли хизматлари катта. Ҳар қанча тилга олсак оз. Бундай жасоратли раҳбар кам. Инсонпарвар қонунлар чиқарилди. Аммо кўп жойларда бу қонунлар қуйи раҳбарларнинг айблари билан беэътиборлик, суст ишлаш билан бажарилмоқда. Натижада халқнинг ишончсизлиги келиб чиқаяпти. Пештахта устидаги биттаяримта бор моллар ҳам таниш-билишлар аралашувида сотилмоқда. Ноёб моллар, чет эл товарлари омборларидан ташқарига чиқмайди. Қачонгача халқнинг ҳисобига бойиб бораётганларни кафтимизда ўйнатиб, опичлаб юрамиз?

Хўш, муаммолар шу йўсинда экан, энди нима қилмоқ керак! Қандай қилсак фуқаронни бу бало-ю азиблардан асраб қоламиз? Савдода, овқатланиш, кооператив ошхоналарда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатиш керак. Олибсотар, чайқовчиларга қарши аёвсиз курашмоқ зарур. Халқ истеъмол товарларини яшириб сотган савдо ходимлари, хўрандалар ҳақига ҳиёнат қилган кимсалар вазифаларидан четлаштирилиши лозим. Бундай кооперативларни ёпиб ташламоқ савоб ишдир. Шундоқ қилсаккина халқимизнинг норозилигига қулоқ тутган бўламиз, шундагина халқ қалбига ҳамоҳанг бўламиз.

Республикамизни дунёга танитайлик десак ҳаммани меҳнатга жалб қилайлик. Орамизда бирорта ҳам ишсизлик бўлмасин. Ҳар қандай жиноят, нопоклик, бекорчилик ишсизликдан келиб чиқади. Агар ишсизлик қанчалик илдиз отса, билингки, ўғирлик, чайқовчилик, олибсотарлик, каллакесарлик кучайиб кетади. Жамият бундан қанчадан-қанча ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўради. Бунинг маъзини чақмоқ керак. Аксарият ишсиз одамларнинг турмуши, психологияси издан чиқа бошлайди. Одамларда меҳнатга, она-Ватанга бўлган ҳурмати, қадрияти мажруҳ бўлади. Бундан сақланайлик...

Турсун МАҲАМАДАЛИЕВ, журналист.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ҳаво йўллари

ҲАМИША ХИЗМАТИНГИЗДА

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКА ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ШАРОФАТИ БИЛАН ЖАҲОН МИҚЁСИДА ХАЛҚАРО АЛОҚА ЙЎЛЛАРИГА ЧИҚИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ

ИСЛОМ ДИНИ ДУНЁСИНИНГ ҚУРБОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УЛУҒ ҲАЖ САФАРИГА БОРАЁТГАН БАРЧА МЎМИН - МУСУЛМОНЛАРНИ САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ.

АВИАКОМПАНИЯ ҲАЖ ИБОДАТХОНЛАРИГА ҲАВО ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ.

АВИАКОМПАНИЯНИНГ «Ил—62» ВА «Ил—62М» МАРКАЛИ ПЎЛАТ ҚУШЛАРИ САФАРГА ОТЛАНГАНЛАР ХИЗМАТИГА БЕРИБ ҚЎЙИЛГАН.

ТОШКЕНТ—ЖИДДА ҲАВО ЙЎЛИДА МОҲИР ЛОЧИНЛАРИМИЗ ҲАВО КЕМАЛАРИНИ МОҲИРОНА БОШҚАРМОҚДАЛАР.

АВИАКОМПАНИЯНИНГ ҚУЙИДАГИ ТАЖРИБАЛИ ВА МОҲИР УЧУВЧИЛАРИ БУ МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТГА САФАРБАР ЭТИЛГАНЛАР: Эдуард ИБРОҲИМОВ, Алексей ШРАМКОВ, Борис РАҲИМОВ, Геннадий СКВОРЦОВ, Заҳириддин ФАЙЗИЕВ, Адҳам РАЗЗОҚБЕРДИЕВ, Игорь МЕЛЬНИКОВ, Ноил ХИСМАТУЛЛИН, Сергей ПОДОПРИГОРА, Дониёр МИРЗАБЕКОВ, Фарид САЙФУЛЛИН, Владимир ФОТИН, Алексей КИМ, Александр КОРОТКОВ, Виктор СВОБОДИН, Николай ЯНОВИЧ ва бошқалар.

Ўзбекистон Ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси Республика корхоналари ва хўжаликлардан юклар ва йўловчиларни ташиб бериш бўйича буюртмалар қабул қилади.



Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганьчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Илгда 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—182.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
№ 109.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—21.50. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.